

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўсимликлар карантини
ва ҳимояси илмий-тадқиқот
институтининг директори,
Жамоатчилик кенгаши раиси


2022 йил “07” июль **А.Р.Анорбаев**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
кенгаши йиғилишининг 3 -сонли
БАЁННОМАСИ

07 июль 2022 йил

Қибрай тумани

Йиғилиш раиси:

А.Р.Анорбаев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг директори в.в.б.

Қатнашдилар:

Кенгаш раиси ўринбосари О.Сулаймонов, Кенгаш аъзолари: Х.Кисанбоев, Қ.Бобобеков, А.Марупов, Н.Туфлиев, У.Рахимов, А.Худойкулов, Б.Болтаев, С.Садинова, Д.Зуфарова, Ж.Салихов, Ш.Худойбердиев, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг ва Агентлик бош бошқармасининг тегишли ходимлари

Таклиф этилганлар:

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси – **Умаров Наримон Мажидович**; Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси – **Жалолов Зафаржон Сайфитдинович**; Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси – **Хусанова Мухтабар Акбаровна**; “Юнусобод Октепа” жоме масжиди имом-хатиби – **Нуруллоҳ Обидов**; Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходими – **Ҳасан Мирзаев**; Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими – **Сардор Маманов**.

КУН ТАРТИБИ:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида **“Биз коррупцияга қаршимиз!”** мавзусида тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш

Йиғилишни ўсимликлар картини ва ҳимояси агентлиги Бош директорининг ўринбосари Н.В.Қосимов олиб бориб, аввалида Бугунги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилаётган **“Биз коррупцияга қаршимиз!”** мавзусидага иштирокчиларни таништириб, бугунги тадбирда, Агентликнинг марказий аппарати, Илмий-тадқиқот институти, шунингдек, “Zoom” платформаси орқали барча тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармалар ходимлари иштирок этишаётганлиги тўғрисида фикрлар билдириб, Агентлик раҳбарияти томонидан тизим ташкилотлари, ҳудудий бошқармалар ва ўсимликлар карантини чегара масканларида хизмат олиб бораётган ходимлар билан узлуксиз равишда хизмат ваколатини суистеъмол қилмаслик, миллат ва оилани биринчи ўринга қуйишлик, садоқат ва хизмат бурчи тўғрисида якка тартибда, жамоавий тарзда йиғилишлар мунтазам равишда ташкил этиб борилаётганлигини, тизимда коррупциоген омилларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида, Агентлик томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг аксарияти рақамлаштирилганлигини, бу жараён ҳозирда ҳам давом эттирилаётганлиги, коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, жумладан Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом ва бошқа соҳага оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини, шунингдек, Ички назорат бўлими ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётганлигини такидлаб бугунги тадбир учун дастлаб сўзни Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси – **Умаров Наримон Мажидовичга берди:**

Н.М.Умаров ўз маърузасида Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг **“Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”** деган фикрлари билан бошлаб, коррупция бор жойда ҳақиқат ва адолат бўлмаслигини, ҳеч қайси бир соҳанинг ривожланишига, олдимизга қўйган мақсадимизга эриша олмаслигимизни, коррупция жамоатчилигимизни асосий йўналишлардан бири бўлиб, коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилганлигини, бу борада конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, ҳозирда коррупция рейтинг олдинги ўринларда турганлигини, унга қарши алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб ишлар ташкил этилганлигини, бу борада ИИБ, ДХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда жамоатчилик алоҳида ўрин тутишини, ҳар чоракда тасдиқланган дастур бўйича таҳлиллар ўтказилаётганлигини, ҳозирда қурилиш, таълим, тиббиёт ва савдо тизимлари коррупция бўйича етакчилик қилаётганлигини, коррупция бўйича охириги йилларда 200 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлигини, 2021 йилда давлат бюджети хисобидан 1

трилиондан ортиқ маблағлар талон-тарож қилинганлигини, коррупция олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлигини такидлаб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан “Юнусобод Октепа” жоме масжиди имом-хатиби – **Нуруллоҳ Обидов** сўзга чиқиб, шариат бўйича порхўрликнинг, унинг келиб чиқиш омиллари (хадялар), порахўрликнинг жавобгарлиги ўғирлик, зино ва зўравонликлар қаторида туришини, пора эгасига қайтарилмагунича авф қилинмаслигини, жамиятда мўмин муслумонларнинг ахлоб-одоби, ўзаро муносабатлари тўғрисида фикрларини баён этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўсимликлар карантини ва химоясси агентлигининг ички анзоарт бошқармасидан И.Рахимов сўзга чиқиб, агентлик томонидан ҳам коррупцияга қарши тизим яратилганлиги ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими – **Сардор Маманов** сўзга чиқиб, коррупцияга қарши агентлик томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, жавобгарлик масаласи бўйича оғир ва ўта оғир жавобгарлик учун ЖПК киритилган ўзгартиришлар, коррупция бўйича жавобгарлик кучайтирилганлигини, жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сони, давлат бюджетидан талон-тарож қилинган пулларни 70% ортиғи ундирилганлигини, коррупция билан боғлиқ ҳолатларни ошгани бу коррупция кўпайганини ағлатмаслиги аксинча коррупцияга қарши агентлик томонидан ишлар олиб борилаётганлиги натижасида аниқланганлиги учун улар сони ошганлиги уларга кўрилаётган чоралар бўйича ўз фикрларини баён этди.


Агентлик ишлари бошқармасидан А.Тошбоев сўзга чиқиб Агентлик томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, коррупцияни олдини олиш учун жазони ўзи камлигини, кўпроқ тарғибот ташвиқот ишлари ўтказилишини ҳамда бу борада агентлик томонидан олиб борилган ишлар, барчамиз коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишни аввал ўзимиздан бошлашимиз, бунга қарши маънан ва ҳуқуқий тайёрланишимиз, ушбу иллатнинг жамиятимиз келажаги учун хавфлилик даражасини тушуниб етишимиз зарурлигини, Агентлик тизимидаги ҳар бир ходимнинг ўзи унинг жамиятдаги ўрни, хатти-ҳаракати қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тушунганида ва ўзида масъулият ҳис этган ҳолдагина коррупцияга қарши курашишда самарали натижага эришиш мумкинлиги тўғрисида фикрларини баён қилди

Йиғилиш сўнгида, кун тартибидаги масала юзасидан иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш **қарор қилди:**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган **“Биз коррупцияга қаршимиз!”** мавзусида марузачиларнинг фикр-мулоҳазалари маълумот учун қабул қилинсин

Кенгаш котиби



А. Кадиров